



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "23" fevral

Қ-108 -son

Termiz sh.

Вилоятда фаолият юритаётган "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига қарашли балиқчилик хўжаликларига танҳо фойдаланишга берилган табиий сув хавзаларининг ер майдонларида ўтказилган хатлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарори 10-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Ўздаверлойиха" институти "Сурвилерлойиха" бўлинмаси томонидан вилоятда фаолият юритаётган "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига қарашли балиқчилик хўжаликларига танҳо фойдаланишга берилган табиий сув хавзаларининг ер майдонларида ўтказилган хатлов натижалари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Б.Уринов) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига қарашли балиқчилик хўжаликларига танҳо фойдаланишга берилган табиий сув хавзаларини балиқлантириш, балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда балиқ овлаш қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш юклатилсин.

3. "Сурхондарёбалиқсаноат" МЧЖ (Ф.Эшқулов) балиқчилик хўжаликлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балиқ овлаш, табиатни муҳофаза қилиш ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик, ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш, балиқлар турлари наслларини сақлаб қолиш, балиқчилик ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш, сув ҳавзаларидан белгиланган мақсадда самарали фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига қарашли балиқчилик хўжаликларига танҳо фойдаланишга берилган ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда хатлов натижалари кўра ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов

